



Болангизни

КАЛОМГА МОС ЖИНСИЙЛИК

билин таништириш учун

7 та дарс



Мұхым сұхбат: Болангизни Каломга мос жинсийлик билан таништириш учун 7 та дарс

**Барча маълумотлар Лука Гилкерсон муаллифлик ҳуқуқи остида, 2014-йил. Барча
хуқуқлар химояланган.**

ISBN: 978-1-946484-39-0

Наши्रиёт ва дизайн хизматлари MelindaMartin.me томонидан амалга оширилган



МУНДАРИЖА

Кириш (Ота-оналар учун).....	4
1 Дарс: Худо уларни эркак ва аёл қилиб яратди.....	14
2 Дарс: Ували-жували бўлинглар.....	19
3 Дарс: Ажойиб қилиб яратилган	24
4 Дарс: Иккаласи бир тан бўладилар.....	28
5 Дарс: Зино қилманг.....	31
6 Дарс: Мени зўрламанг.....	33
7 Дарс: Қимматбаҳо тўлов билан сотиб олинган	35
Бундан кейинчи?	38
Изоҳли луғат	43



КИРИШ (ОТА-ОНАЛАР УЧУН)

Бу қўлланма нима ҳақда ва ундан қандай фойдаланиш керак


Бу қўлланма фарзандингиз билан бирга ўқиладиган еттига Каломий дарслар тўплами бўлиб, у Худога маъқул жинсийлик бўйича асосий тушунчани тақдим этади. Бу Каломий асосга эга бўлган жинсий таълимдир. Бу дарслар тўплами олти ёшдан ўн ёшгача бўлган болалар учун маҳсус тузилган бўлиб, кетма-кет етти кун давомида биргаликда муҳокама қилинади.

Нега бу ҳақда ёздим?

Мен бир неча йилдан бери “Covenant Eyes” номли масиҳийларга тегишли ажойиб компанияда ишлайман. Бизнинг дастурий таъминот шахслар ва оиласарни онлайн порнографиядан ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Мен ишимни севаман, чунки компаниямизнинг миссияси (мақсади) га ишонаман, лекин ишимнинг қоронғу томони ҳам бор. Ишонч билан айта оламанки, у ерда ишлашни бошлаганимдан бери, бирон бир ҳафта порнография кимдирнинг ҳаётини вайрон қилгани ҳақидаги реал-ҳаётий ҳикояни эшиитмасимдан ўтмади.

Ҳар куни, блогимиздаги шарҳларга модераторлик қиласман ёки аъзоларимиз билан мунтазам гаплашадиган жамоамиздаги бошқа одамлар билан сұхбатлашаман. Мен сизга айзам, Улар сўзлаб берадиган ҳикоялар ҳар доим юракни оғритади. Мен эри порнографияга берилгани туфайли турмушлари синиш нүктасига келди, деб ўйлаётган сон-саноқсиз аёллар билан гаплашганман. Болалар порнографиясига муккасидан кетгани учун қамоққа олинган ва ўзларидаги бу иллат шу қадар бузуқликка олиб боришига ҳеч қачон ишонмаган одамлардан кўплаб мактублар қабул қилганман. Саккиз, тўққиз, ўн ёшлигида порнографияга йўлиққан – ва ҳозир, орадан ўн ёки йигирима йил ўтиб буни давом эттираётган эркак ва аёллар билан сұхбатлашганман, улар бу иллатдан кутулишга ҳеч қандай умид йўқ деб ўйлашади.



“Мен болам билан жинсий алоқа ҳақида эртароқ гаплашмаганимдан афсусдаман.”

Мен, шу билан бирга, ҳали Худога маъқул жинсийлик ҳақида эшитиш имконига эга бўлмасдан туриб, болалари порнографияга қаттиқ берилиб қолганини билиб қолган ва гангиб қолган ота-оналар билан ҳам сухбатлашганман. Эҳтиёцизлик қилгани учун, бу ота-оналарнинг кўплари бизга бир хил гапни айтишарди: “Мен болам билан жинсий алоқа ҳақида эртароқ гаплашмаганимдан афсусдаман.”

Юзлаб ҳикояларни эшитганимдан кейин бунга бошқа тоқат қилолмаслигимни ва нимадир қилишим кераклигини ҳис қилдим. Мен болаларга тўғри қадам билан йўлга отланишга ёрдам берадиган, оддий, ота-бала (ёки она-бала) биргаликда ўқийдиган Муқаддас Китобни ўрганиш дастурини яратишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Каломий жинсий қадриятларнинг асосий қурилиш пойдеворлари


Ушбу тўплам бошланғич йиллардаги болалар тушуна оладиган асосий теологик ва биологик концепцияларни ўз ичига олади. Ҳар бир дарс Муқаддас Китобнинг маълум бир парчасига асосланган.

- 1 Дарсда эркаклар ва аёллар ўртасидаги фарқлар ўрганилади; болаларга ўзларининг таналари ҳақида, эркак ва аёл жинсий аъзолари ўртасидаги фарқлар ҳақида оддийгина қилиб тушунча берилади.
- 2 Дарсда Худонинг инсоният учун берилган ували-жували бўлиш, яъни кўпайиш амри ҳақида муҳокама юритилади; болаларга жинсий алоқа ва болалар қандай пайдо бўлиши ҳақида асосий тушунча берилади.
- 3 Дарсда инсон ҳаёти она қорнида қандай ривожланиши ҳақида гапирилади; болаларга чақалоқлар она қорнида қандай ўсиши ва туғилиши мўжизасининг тасвири берилади.
- 4 Дарсда жинсий алоқа орқали яратиладиган яқинлик ҳақида гапирилади, болаларга никоҳдаги жинсий алоқанинг яхшилиги ҳақида ва қай тарзда у эркак ва аёл ўртасида кучли ришта яратиши ҳақида тушунча беради.
- 5 Дарсда зинокорлик гуноҳи муҳокама қилинади, болаларга у нима учун нотўғри эканлиги ҳақида каломий тушунча берилади.

- 6 Дарсда номусга тегиш ва жинсий зўравонлик ҳақида гапирилади, кимдир болаларга нотўғри тарзда тегинганларида бу ҳақда ота-оналарига хабар беришнинг муҳимлиги уларга эслатилади. (Болаларга нисбатан жинсий зўравонликнинг илк ҳолатлари учун ўртача ёш, ўғил болалар учун ҳам, қиз болалар учун ҳам, 9 ёшдан сал юқори ҳисобланади; зўрланган болаларнинг 20% 8 ёшдан олдинроқ зўрланишган. Кўпгина зўрланган болаларга ишончга эга бўлган оила аъзолари ёки оиласага яқин бўлган бирор шахс томонидан бундай зарар етказилган. Мана шу барча сабаблар туфайли, бу ота-оналар ўз фарзандлари билан албатта муҳокама қилиши керак бўлган мавзудир)
- 7 Дарсда Худо бизни қимматбаҳо тўлов билан сотиб олганлиги учун ўз танамиз билан Уни улуғлашимизнинг муҳимлиги ҳақида гапирилади.

Ахлоқсиз нарса, Худо ёки Яхши нарса

Баъзи консерватив диний ёки масиҳий доираларда сексга зарурий функцияга эга ахлоқсиз нарса сифатида қараб, бу ҳақда гапирмасликни афзал кўришади.



Сўзларимиз ва овозимизнинг оҳангидан болаларимиз секс бу Худо марҳамат сифатида яратган яхши нарса эканлигини билиб олишлари керак.

Дунёда сексга худо сифатида, завқланишнинг асосий манбайи ва муҳим ва қадрли нарса сифатида қарапади.

Булардан ҳеч бири тўғри каломий қарап эмас. Секс бу ахлоқсиз нарса эмас. У Худо ҳам эмас. Лекин, у яхшидир. Ота-она сифатидаги вазифамиз фарзандларимизга фақатгина секс нима эканлигини тушунтириб бериш эмас, шу билан бирга, унга художўйлик нуқтаи назари билан қарап ҳақида ҳам гапириб беришдир. Сўзларимиз ва овозимизнинг оҳангидан болаларимиз секс бу Худо марҳамат сифатида яратган яхши нарса эканлигини билиб олишлари керак.

“Жуда кўп, Жуда эрта” гапириш қўрқуви

Кўпгина масиҳий ота-оналар секс ҳақида гапиришга келганда уларнинг олдида кўндаланг турган энг катта савол бу, “Болаларим бунга тайёрмикан?” деган саволдир. Улар ўз болаларига керагидан ортиқ, жуда эрта гапириб қўйишдан,

уларнинг жинсий қизиқиши ёки қизиқувчанлигини жуда эрта уйғотиб юборишдан ёки “нотўғри нарсаларни гапириш”дан кўрқишида.

“Kace Westerh Reserve” университети доктори Маргарет Стейжер ота оналардаги “жуда кўп, жуда эрта” гапириш бугунги дунёда ноёб ҳолатдир, деб тўғри айтади. Бунга қарама-қарши зидлик – сизнинг болаларингиз жинсий алоқа қилишни бошлагандан сизнинг қадриятларингизни билмаслиги – анча кўп учрайдиган ва анча хавфли ҳолатдир. “Биз яшаётган жамият туфайли,” деб ёзди у, “бу сухбатлардан ўзини четга олиш оқибатлари жуда кўп маълумотни жуда эрта бериш оқибатларидан анча кўп.”

Жуда кўп, жуда эрта гапириш қўрқуви, одатда, биз жуда кам, жуда кеч гапиришимизни билдиради.


Ота-она, тайёрмисиз?

Кўпинча, ота-онанинг “тайёрлик” кўрсаткичи, одатда, улар ўз болаларида кўрган бирон нарсага алоқадор бўлмайди. Аксинча, бу улардаги секс бу таъқиқланган - ҳатто уятли мавзу эканлигига доир қарашларига боғлиқ бўлади. Улар ширин болаларининг рўпарасида ўтириб, уларга “олат” ва “қин” каби сўзларни битта гапнинг ўзида айтишларини тасаввур қилолмайдилар. Улар бундай мавзулар “ифлос” ва софдил боланинг қулоқлари учун эмас, деган фикрни хаёлларидан ҳайдолмайдилар.

Ота-оналар шуни унутмасликлари керакки, аксарият болалар жинсий алоқа ҳақида таъқиқланган мавзу деб ўйлашни ҳали ўрганишмаган. Фақат ота-оналар буни ҳижолатли мавзу деб ўйлайдилар.

Бу гап менга ҳам тўғри келарди. Бир куни кечқурун тўнғич ўғлим билан кичик сухбат қилиш учун ўтирганимда, ўзимни жуда асабий сезганман. Мен унинг бунга муносабати-жавоби қандай бўлишини билмасдим. Лекин, бўш нигоҳлар ёки ҳижолат тортиш ўрнига, унинг бу мавзуга жуда қизиққанини кўриб ҳайратланганман. У яхши саволлар берар ва дикқат билан қулоқ солар эди. Бу сухбат камида бир соат давом этганди (асосан унинг ўз қизиқувчанлиги туфайли). Охирида эса, у “Худо ажойиб-а, дада?!” деган эди.

Ота-оналар жинсий алоқа ҳақида гапириш ёш болани “бузади” ёки уларни жинсий алоқа қилишни хоҳлашга ундейди, деган афсонага эътибор қилманг. Ахлоқсиз ҳазил ва жинсий алоқа қилишга ундейдиган суратлар боланинг онгига, шубҳасиз, салбий таъсир қиласди, лекин секснинг ўзи муаммо эмас.



Жуда кўп, жуда эрта гапириш қўрқуви, одатда, биз жуда кам, жуда кеч гапиришимизни билдиради.

Ота-оналар ўз фарзандалари жинсий мавжудотлар эканликлари ҳақидаги реалликни қабул қилишлари керак. Улар балким ҳали гормонлар фаоллашуви босқичига етмагандирлар, лекин улар жинс, яқинлик, боланинг пайдо бўлиши масалаларига қизиқадилар. Ота-оналар сифатида, биз фарзандларимизнинг ишончли маълумот манбаси бўлишимиз керак.

Бутун дунё дод солаётган пайтда ота-оналар жим туришмоқда


Кўпгина ота-оналарнинг мақсади маълумот бутунлай “зарур” бўлмагунча жинсий мавзуларга доир суҳбатларни кейинга қодиришдир. Улар илк жинсий етуклик белгиларини кўрмагунча ёки болалари жинсий етукликка эришмагунларича кутадилар. Кўп ҳолларда, бу жуда кеч ҳисобланади.

Олти-етти ёшли болалар орал секс ҳақида болалар майдончасида ўрганиб, мактабдан қайтаётганда бу ҳақда гапиришади. Шаҳвонийлашган ахборотлар ҳамма ерни тўлдирган. Болаларингиз билан супермаркетган ёки дўконга ҳарид қилишга борар экансиз, уларни жинсий хабарларни қўришдан ҳимоя қилолмайсиз. Бир пайтлар уятли ҳисобланган нарсалар ҳозир ҳар бир журналнинг олд саҳифасида ёки савдо марказлари деразаларида беҳаёларча намойиш этилмоқда. Шу билан бирга, замонавий юқори тезлиқдаги интернет алоқалари ва Wi-Fi дунёсида, болангиз бир кун келиб порнографик фильм қўриши ёки кўрмаслиги савол бўлмай қолди. Савол уни қачон қўришида бўлиб қолди.

Бутун дунё болаларга шаҳвоний хабарлар билан бақирмоқда, уларга керак бўлган энг охирги нарса – бу ота-оналарнинг секс ҳақида сукут саклашидир.

Нима учун 6 ёшдан 10 ёшгacha?

Умумий қилиб айтганда, жинсий алоқа ва Худонинг бу борадаги мақсадлари ҳақида суҳбатларни бошлаш учун олти ва ўн ёш оралиғи энг яхши вақтдир.



... ҳақида гапиришни иложи борича кейинга суриш ҳеч бир ота-она қилиши керак бўлмаган қалтис ишдир.

Албатта, бу шунчаки бир қўлланма. Секс ҳақида чуқур сухбат олиб бориш мумкин бўлган беш ёшли болалар истисноси ҳам борми? Ҳа. Биринчи марта seks ҳақида эшитиши мумкин бўлган ва жинсий жиҳатдан художўйликка ва соғлом балоғатга қараб ўсиши мумкин бўлган ўсмирлар ҳам борми? Ҳа. Ҳар бир болага бу қўлланмани олти ёки етти ёшида ўргатиш керакми? Йўқ. Баъзи болалар учун озгина каттароқ бўлишларини кутиш тўғри бўлади. Лекин, seks ҳақидаги таништирувчи сухбатлар нима учун ушбу ёш чегарасидагиларга энг қўл келишининг яхши сабаблари бор.

Энг аввало, ота-оналар фарзандларига Худонинг жинсий алоқа ҳақидаги мақсадларини ўргатаётганларида биринчи бўлиш жуда муҳим. Ота-оналар ўз болаларининг жинсий алоқа ҳақидаги биринчи ва асосий маълумот манбайи бўлишни хоҳлашлари керак. Жинсий бузуқлик ва ахлоқиз хабарларга тўла дунёда болаларига seks ҳақида гапиришни иложи борича кейинга суриш ҳеч бир ота-она қилмаслиги керак бўлган қалтис ишдир.

Иккинчидан, олти ёки етти ёш атрофида боланинг ҳаётида содир бўладиган муҳим ижтимоий, эмоционал ва интеллектуал ўзгаришлар бор ва бу жинсий алоқа ҳақидаги сухбатларимизнинг самаралироқ ўтишига имкон беради.


Қадим замонлардаёқ одамлар олти ёки етти ёш атрофида бўлган болаларнинг ривожланишида силжиш бўлишини пайқашган. Бобил Талмудида айтиладики, “олти ёшга тўлмасидан олдин ўқувчиларни қабул қилма, олти ёшга тўлганида уларни қабул қилишинг ва ҳўқиз каби уларга Тавротни юклашинг мумкин”. Ўрта асрларда, етти ёшга “акл ёши” сифатида қаралган, бу ёшда болалардан катталарнинг ёнида туриб ишлашлари ёки шогирдлик қилишни бошлашлари мумкин деб ҳисоблашган. Британия Умумий Қонунида болалар етти ёшга тўлмагунча ўз ҳатти-ҳаракатлари учун жавобгар ҳисобланишмаган.

Феъл-атворни ўрганиш билан шуғулланувчи олимлар олти ёшдан ўн ёшгача бўлган даврда болалар учун тенгдошлар билан муносабатлар ҳар қачонгидан ҳам қадрлироқ бўлишини пайқашган. Кўпгина болалар учун, бу мактабга қатнашни бошлаш ёшидир ва мактаб билан бирга ўз тенгдошларининг таъсири кириб келади. Шу сабабдан, болангизнинг тенгдошларидан олдин, унинг жинсий алоқа ҳақидаги мустаҳкам маълумот манбаси бўлишга улгуринг.

Олти ёш атрофида (бир ёш қўшинг ёки айириңг) болалар мустаҳкамроқ бир жинсга мансуб дўстликни шакллантиришга ҳам мойил бўладилар ва улар жинсий (гендер) ролларга қаттиқ қизиқиши кўрсатадилар. Бундан ташқари, мана шу пайтда болалар чақалоқлар қандай пайдо бўлишини тушунишга ҳаракат қилишади. Бу босқичда болалар бошқаларнинг яқинлик ҳатти-ҳаракатлари (ўзларини турмуш қурғандек тутишлари ёки йигит/қиз муносабатини олиб боришлари, ўпишиш, қўл ушлашлар ва ҳоказолар) га тақлид қилишлари кўп учрайди.

Шу билан бирга, олти ёки етти ёшда боланинг ақлий салоҳияти ўзгаришни бошлайди ва бу сизга улар билан ҳар хил мавзулар ҳақида батафсилоқ сухбатлар олиб боришга имкон беради. Бундан олдин, бола турли хил нуқтаи назарлардан ҳар хил нарсаларни тушунишга қийналади. Улар бир вақтнинг ўзида фикрнинг фақат бир жиҳатига диққатларини қаратадилар. Улар ўзларида “сехрли” қарашларни шакллантиришга мойилроқ бўлишади, чунки сабаб ва натижани уччалик яхши тушунишмайди. Лекин, олти ёки етти ёш атрофида бола ўз фикрларини бошқаларнинг фикрларидан ажратадилар бўлишни бошлайди. Улар нарсалар ва воқеа-ходисалар ҳақида мантиқийроқ ўйлай оладиган бўлишади. Бу улар билан ҳар хил мавзуларда батафсили мухокамалар олиб боришни осонлаштиради.

Етти ёшдан бошлаб, бола уятни ҳис қила бошлайди ва яланғочлигини бошқалар кўришини истамайди.



Ота-оналар ўз болаларининг жинсий алоқа ҳақидаги биринчи ва асосий маълумот манбаи бўлишни хоҳлашлари керак.

Ушбу йиллар мобайнида боланинг танаси балоғатга етишга тайёрлана бошлайди. Миянинг гипотоламус деб аталадиган майдонида танадаги ҳар хил гормонларнинг занжирили реакцияси бошланади, қиз болаларда тухумларни ишлаб чиқаришга ва ўғил болаларда уруғ ишлаб чиқаришга сигнал берилади. Ўртacha олганда, бу, қиз болаларда саккиз ва ўн бир ёш оралиғида (шунга қарамай, бундан ҳам ёшроқ пайтда содир бўлиши ҳам мумкин) содир бўлса, оғил болаларда, тўққиз ва ўн бир ёш оралиғида содир бўлади. Бундай жисмоний ўзгаришларнинг кўпи шу ёшларда кўзга кўринмаса ҳам, ички ўзгаришлар жараёни кетаётган бўлади.

Болангиз бу дарс учун тайёрми?

Ушбу қўлланмадаги маълумотларни болангизнинг юрагидаги тупроққа экаётган уруғлар деб билинг. Қандай тупроқда бу уруғлар жуда яхши ўсади?

Хабардорлик тупроги

Ушбу дарсларда жуда кўп биологик маълумотлар бор. Болалар уйда танамиз қандай ишлиши ҳақидаги сұхбатларда ўзларини эркин ҳис қилган ҳолда ўсишлари лозим. Болалик чоғидан ота-оналар тана ҳақида очиқ гапириш ҳамда уят ва одоб-ахлоқ ҳисси ўртасидаги мувозанатни сақлашда ўз фарзандларига намуна бўлишлари керак. Мисол учун, бола тана аъзоларининг тўғри номларини билиши ва “шахсий масофа”ни ҳурмат қилишга ўргатилиши лозим. Ота-оналар боланинг саволларидан уялиб ёки ҳижолат бўлмай, аксинча уларнинг қизикувчанинги қўллаб-қувватлашлари керак.

Шаклантирувчи таълим берииш тупроги

Ушбу қўлланмани ишлатишингиздан олдин фарзандингиз аллақачон сиз билан муентазам равишда Муқаддас Китоб ўқиётган, биргаликда ибодат қилаётган ва маълум бир мавзуларни муҳокама қилишга одатланган бўлиши керак. Қўлланмада келтирилган дарсларни биргаликда муҳокама қилаётганда болангиз диққат билан эшитиши учун унга қандай гапириш кераклигини билишингиз керак. Бу дарслар оиласиий саждангизнинг оддий ва табиий кенгайишидек туюлиши керак. Агар бу ҳали уйингиздаги одатларнинг бир қисми бўлмаса, бу қўлланма билан бошламанг. Муқаддас Китоб бўйича сұхбатлар ва ибодатларнинг доимийлигига асос солишдан бошланг. Уйингизда руҳий етакчи сифатида ўзингизни қулай ҳис қилинг. Буни бир неча ой давомида тажриба қилганингиздан кейин бу қўлланмадан фойдаланиш ҳақида ўйланг.

Оиласиий севги тупроги

Жинсий таълим, шунчаки, ўқитилмайди. Унга намуна кўрсатилади. Турмуш курган ота-оналар романтик севги қандай кўринишга эга бўлишига намуна кўрсатишлари керак. Ота-оналар буни бир-бирини ҳурмат қилиш, бир-бирига ғамхўрлик қилиш, йўлакда тезгина ўпиб қўйишлар, залда биргаликда рақсга тушиш, ёқимли хушомад қилиш, совғалар бериш ва бошқа ҳатти-ҳаракатлар билан ўрнак бўлишлари мумкин. Ёлғиз ота/оналар жинсий алоқадан сақланишга доир Худонинг стандартларини ва учрашув муносабатларидағи жинсий покликни эъзозлашлари лозим. Ота-оналар камтарлик ва бошқаларнинг қадр-қимматини эъзозлаш хислатларида, яъни бошқалар ҳақида қандай гапиришда, оммавий ахборот воситаларидағи танловларида ва бошқалар билан қандай алоқа олиб боришида намуна ўрнатишлари керак. Бундай намуна бўлиш жуда муҳим ва буни ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Менга маъруза матнини беринг

Ушбу қўлланманинг формати маъруза матни қўринишида берилган. Агар буни фойдали деб топсангиз, дарслардан сўзма-сўз ўқиб беришингиз мумкин. Агар сиз уларни олдиндан ўқишини ва улардан шунчаки режа сифатида фойдаланишни маъкул кўрсангиз, бундай қилишингиз ҳам мумкин. Нима табиийроқ туюлса, шуни қилинг.

Кўпгина ота-оналар учун бундай суҳбатларни олиб бориш қийин, чунки ҳеч ким улар билан олдин бундай суҳбатларни олиб бормаган. Улар жинсий алоқа ҳақидаги яхши ота-оналик суҳбати қандай бўлишини билишмайди. Бу қўлланма сизга айтилиши керак бўлган сўзларни ўргатади.

Кўплаб суҳбатлардан бири

Агар ота-она бир пайтлар “кичик бир суҳбат” олиб бориб, шу билан жинсий ҳаёт ҳақида суҳбатлар тугатилди, деб ўйласа, у кунлар ўтиб кетганига анча бўлди. Болаларга жинсий алоқа ҳақида таълим бериш бир марталик нарса эмас. Ота-оналар ўз фарзандларига Худонинг амрларини такрорий равишда, ҳар кунги ҳаётий вазиятларда “уйда о‘тирганда ҳам, ё‘лда юрганда ҳам, ётганда ҳам, турганда ҳам” ўргатишлари лозим (Қонунлар 6:7).


Бу Каломий дарслар болангизни “асосий” (“туб”) таълимотлар билан таъминлайди, лекин, асос, яъни пойdevor қўйилгандан кейин, кўпроқ нарса талаб этилади. Такрорланганда кўпроқ нарса ўрганиш мумкин. Вақт ўтиши билан, ҳаётнинг ҳар хил вазиятларида бу дарсларни мустаҳкамлашингизга тўғри келади. Фарзандингиз катта бўлаётганда унга кўпроқ билим беришни хоҳлайсиз, чунки бу уларнинг ўсиб бораётган жинсий қизиқишлирига мос келади.

Китобнинг охирида буни қандай амалга ошириш ҳақида ғоялар берилган.

Қўрқувингизни юting

Болангиз вояга етганда, унинг жинсий муносабатлари қаттиқ тушкунлик ва уят ҳисси ёки ақл-бовар қилмас марҳамат олиб келиши мумкин.

Қўрқиши ўрнига, бу қўлланмага қувонч ва завқ ҳисси билан ёндашинг. Бу дарслар фарзандингизни марҳамат йиллари учун тайёрлайдиган пойdevor бўла олиши мумкинлигини билинг.



Болангиз вояга етганда, унинг жинсий муносабатлари қаттиқ тушкунлик ва уят ҳисси ёки ақл-бовар қилмас марҳамат олиб келиши мумкин.



1 ДАРС: ХУДО УЛАРНИ ЭРКАК ВА АЁЛ ҚИЛИБ ЯРАТДИ

Бошлаб берувчи фикр:

Дунёning бошида Худо яратган ҳамма нарсалар эсингдами? (Агар фарзандингиз Ибтидо китоби билан танишиб чиққан бўлса, у ёруғлик, сувлар, осмон, ер, қуёш, ой, юлдузлар, денгиздаги мавжудотлар, учадиган мавжудотлар, ердаги ҳайвонлар ва охирида, одамлар ҳақида нимани эслашини текширинг.)

Мен сенга, Худо одамларни яратилган бошқа ҳамма мавжудотлардан қандай фарқли қилиб яратганини билишинг учун, яратилишнинг охирги куни ҳақидаги хикояни ўқиб бермоқчиман.

Каломдан ўқиш: Ибтидо 1:24-27

Изоҳ: Худо барча турдаги мавжудотларни, шу жумладан, одамларни ерда яшашлари учун яратди.

Одамлар бошқа ҳар қандай мавжудотдан ўзгача қилиб яратилганлар. Ибтидода биз “Худонинг суратида” яратилганлигимиз айтилган. Бу шуни англатадики, барча ҳайвонлардан фарқли равища, биз Худога ўхшаш қилиб: бошқаларга меҳрибон, иноятли, сабр-тоқатли, севувчи, ростгўй, кечирувчи ва одил қилиб яратилганмиз. Биз Худо томонидан бу дунё ва ундаги мавжудотларга ғамхўрлик қилиш учун яратилганмиз.

Лекин, Худо фақатгина бир турдаги инсонни яратмади. У икки турдаги инсонни яратди. Муқаддас Китоб, Худо бизни эркак ва аёл қилиб яратган, дейди. У эркакларни ҳам, аёлларни ҳам яратган. Эркаклар ва аёллар жуда кўп жиҳатдан бир-бирларига ўхшашлар. Ўғил болалар ва қиз болалар бир-бирларига қандай ўхшаш? Бизни ўхшаш қилиб турадиган бирон нарсани айта оласанми? (Болангиз қандай жсавоб бериишини кузатинг. Сиз маълум жисмоний ўхшашиклар: иккита кўз, битта бурун ва оғиз ҳақида айтиб ўтишингиз мумкин. Яна гапира олиш,

икки оёқда юра олиш, мураккаб нарсалар ҳақида ўйлаш, қуриши ва мураккаб жиҳозларни ясаши каби бошқа ўхшашиликларни ҳам айтиб ўтишингиз мумкин.) эркаклар ҳам, аёллар ҳам Худонинг суратида яратилган, бу эса, эркаклар ва аёллар бир хил ҳурматга эга эканликларини билдиради – ўғил болалар ҳам, қиз болалар ҳам Худо учун жуда қадрли. Лекин, эркаклар ва аёллар ўртасида бир неча жуда муҳим фарқлар ҳам бор.

Худо эркаклар ва аёлларни ҳар хил тана аъзоларига эга қилиб яратди, ҳам ичкаридан, ҳам ташқаридан. Нима демоқчи эканлигимни ҳозир кўрсатаман.


Суҳбат мавзулари:

*Болангизга Эркак Анатомияси ва Аёл Анатомияси диаграммаларини кўрсатинг.
Лозим деб топсангиз, қуийда берилган суҳбат мавзуларидан фойдаланинг.*


Эркак ва аёлнинг ўхшаши жиҳатлари

- Аёл кишининг танаси ва эркак кишининг танаси маълум бир жиҳатдан бир-бирига ўхшайди. Эркакларда ҳам, аёлларда ҳам сийдикни ушлаб турадиган сийдик пуфаги бор. Эркакларда ҳам, аёлларда ҳам ахлатни ушлаб турадиган тўғри ичак бор.
- Эркакларда ҳам, аёлларда ҳам сийдик сийдик йўли орқали ва ахлат анал тешиги орқали чиқади.

АЁЛ АНАТОМИЯСИ




ЭРКАК АНАТОМИЯСИ



Аёл Анатомияси

- Худо аёлларни эркакларда бўлмаган яна бошқа бир тешикка эга қилиб яратди. Бу қин деб номланади. Шундай қилиб, эркакларда иккита, аёлларда эса, учта тешик бор.
- Агар аёл танасидаги қиндан бошлаб юқорилаб борсангиз, бачадонга дуч келасиз. Аёлнинг танаси болани кўтариш ва ўстириш учун Худо томонидан тузилган. Бачадон бола ўсадиган махсус жойдир. Кимнинг оиласида чақалоқ бор, биласанми? (*Болангиз чақалоги бўлган биронта оилани айта олишига эътибор беринг.*)
- Бачадон пастидаги ингичка йўл бачадон бўйни деб номланади. Бола туғилиш учун тайёр бўлганда, бола қин орқали чиқишига йўл очиш учун бу жой кенгроқ очилади. Худо ривожланаётган бола учун аёлнинг танасини мукаммал уй қилиб яратгани нақадар ажойиб.
- Болани вужудга келтирадиган қисм бу аёл тухумидир, лекин бу тухумларнинг катталиги сен эрталаб нонуштада ейдиган тухумлардек эмас. Улар жуда кичкина. Улар қанчалик кичик деб ўйлайсан? (*Болангиз аёл тухуми қанчалик кичиклигини кўрсата олиши учун бармоқларини ишилатсин.*) Аслида, тухум шу даражада кичик бўладики, сен уни кўзларинг билан кўролмайсан. Аёл тухумлари тухумдонлар ичида шаклланади. Аёлларда иккита тухумдон бўлади.
- Ойда бир марта тухумдонлар тухум чиқазади. Бу жараён овуляция деб аталади. У содир бўлган пайтда бачадон найчаси тухумдон томон ҳаракатланади. Кейин нача охиридаги юпқа тўқималар тухумни оҳиста найча томон “супуриб” юборади.

АЁЛ АНАТОМИЯСИ




Эркак Анатомияси

- Эркакларда олат бор. Бу эркак танасининг олд қисмидан осилиб турадиган аъзодир.
- Болани вужудга келтирувчи иккинчи қисм эркак уруғидир. Уруғ қанчалик даражада кичик деб ўйлайсан? (*Болангиз бу ҳужсайралар қанчалик даражада кичик эканлигини тахмин қилиб кўрсин.*) Тухумга ўхшаб, уруғ ҳам кўзга кўринмайдиган даражада кичик бўлади. Аслида, уруғ тухумдан ҳам кичикроқ. Уруғ моякларда пайдо бўлади. Аёлларда иккита тухумдан бўлганидек, эркакларда ҳам иккита мояк бор.
- Мояклар мояк халтаси деб номланган тери қобиги ва мушакнинг ичида жойлашган. У олатнинг тагида осилиб турди.
- Уруғ вас деференс, яъни уруғ йўли орқали ўтади. Бу ном “олиб борувчи канал”, деган маънони билдиради. Уруғ йўлининг қиласиган иши, уруғни олатдаги уретра (сийдик йўли) томон олиб боришидир.
- Эркакнинг уруғи аёлнинг тухуми билан бирлашганда бола вужудга келади. Кейинроқ, қандай қилиб улар бирлашиши ҳақида гаплашамиз.

Умумлаштирадиган бўлсак, эркак ва аёлларда жуда кўп ўхшаш жиҳатлар бор. Иккаламиз ҳам Худонинг суратида яратилганмиз ва Унинг назарида ўзига хосмиз, лекин эркак билан аёлда ҳам ичкаридан, ҳам ташқаридан фарқ қиласиган аъзолари бор. Булар қандай аъзолар? (*Фарзандингиз сиз муҳокама қилган аъзолардан биронтасини номлай олишини текширинг. Унга диаграммаларни яна бир марта кўрсатинг ва у ҳар хил аъзолар қандай вазифани бажариишини эслай олишини текширинг.*)

ЭРКАК АНАТОМИЯСИ



Болангиз учун саволлар:

1. Ўз тананг ҳақида қандай янги нарса ўргандинг? Биттасини айтиб берчи? Қарама-қарши жинсга эга тана ҳақида янги ўрганган битта нарсани айтиб бер? (*Болангизнинг жинсига қараб унинг ўз анатомиясидаги қайси аъзолар у учун қизиқ туюлганини аниқланг. Болангиз бошқа жинсдаги қайси аъзо унга қизиқ бўлганини айтиб берсин.*)
2. Худонинг суратида яратилганлик нимани билдиради? (*Бу биз Худога ўхшашигимизни ва бошқа ҳеч нарса Унга ўхшамаслигини билдиради. Биз Худо яратган дунёга гамхўрлик қилиши учун У яратган мавжудотлармиз.*)

Болангиз учун муҳим эслатма:

Буларнинг бари жуда қизиқ маълумотлар, лекин буни ота-оналар ўз фарзандлари билан бўлишишлари жуда муҳим. Сен буларнинг ҳеч бири ҳақида дўстларинг билан гаплашма, чунки улар бу ҳақида сендан эмас, ўз ота-оналаридан эшитишлари керак. Буни улар билан муҳокама қилма, агар кимдир бу мавзуни кўтарса, уларга бу ҳақда сухбатлашишимз тўғри эмас, деб айт.

Ибодат: Эй Худойим, Сен бизларни фаришталардан андак паст қилдинг, лекин иззату шараф тожини кийдирдинг, ва ўз суратингда яратдинг (Забур 8:6-7). Биз кўрган ҳар бир киши, оғилми, қизми – бундан қатъий назар, Сенинг суратингда яратилганини билиб, уларни эъзозлашимизга ёрдам бер. Бизни ҳар хил қилиб яратганинг учун ҳам Сенга раҳмат. Омин.



2 ДАРС: УВАЛИ-ЖУВАЛИ БҮЛИНГЛАР

Очиб берувчи фикр:

Ү

тган сафар нима ҳақда гаплашганимиз эсингдами? Эркак ва аёл ўртасидаги фарқлар ҳақида нималарни эслаб қолдинг? (Болангиз эркак анатомияси ва аёл анатомияси ҳақида қай даражада эслаб қолганини текширинг. Диаграммаларни чиқаринг ва қайта кўриб чиқинг.)

Бугун мен Худо бизларни эркак ва аёл қилиб яратиши сабабларидан бирни ҳақида гаплашмоқчиман.

Каломдан ўқиш: Ибтидо 1:28-31

Изоҳ: Ўтган сафар нима ҳақида гаплашганимизни эсланг: Одамлар Худо суратида яратилганлар. Худо бизга Ўзи яратган дунёга ғамхўрлик қилиш вазифасини берган. Лекин, биринчи эркак ва аёл фақатгина икки киши бўлишган, дунё эса, жуда катта жой бўлган. Қандай қилиб иккитагина одам бутун дунёга ғамхўрлик қила олар эди? (Болангизда бу борада қандайдир фикр тугилганига эътибор беринг. Худо Одам Ато ва Момо Ҳаводан бутун дунё ҳақида ғамхўрлик қилишиларини кутганми?)

Худонинг биринчи эркак ва аёлга берган биринчи амри кўпайиш ва дунёни тўлдириш бўлган. Улар болаларни дунёга келтиришлари ва бу болалар улфайиб, улар ҳам ўз болаларини дунёга келтиришлари, улар ҳам улфайиб қўпроқ болаларни дунёга келтиришлари лозим эди. Худо одамлар кўпайишларини хоҳлайди, токи биз бутун дунё бўйлаб тарқала олайлик. Ҳозирнинг ўзида ер юзида миллиардлаб одамлар бор ва ҳар бир шахс бир пайтлар мавжуд бўлган биринчи эркак ва аёлга алоқадор.

Мен сенга эркаклар ва аёллар қандай қилиб фарзанд кўришларини тушунтириб бермоқчиман.


Суҳбат мавзулари:

*Болангизга Эркак Анатомияси ва Аёл Анатомияси диаграммаларини кўрсатинг.
Лозим деб топсангиз, қуйида берилган суҳбат мавзуларини ишилатинг.*


- Болалар вужудга келиши учун, эркак ва аёл жинсий алоқага киришиши керак. Бу сўзни илгари эшиитганмисан? (*Болангиз “жинсий алоқа” жумласи ҳақида аллақачон нимани билишини ва бу ҳақда олдин қаердан эшиитганини текширинг.*)
- Эркак олати қон томирларига тўла. У жинсий алоқага киришишга тайёр бўлганда, бу қон томирлари қон билан тўлади, натижада олат жуда қаттиқ ва тикка бўлади. Бу эрекция деб номланади.
- Бу унга ўз олатини аёлнинг қинига тиқишига имкон беради. Бу жинсий алоқа (секс) деб аталади. Худо фақат бола кўришимиз учунгина эмас, балки биз турмуш қурган инсонга яқинликни ҳис қилиш учун ҳам бизни шундай тузилишда яратган. Бу эр ва хотин бир-бирига нисбатан маҳсус бир боғлиқликни ҳис қилишини таъминлайди.
- Кейин эркакнинг олати эякуляция деб номланадиган бир иш қиласди. Бу сперма деб аталувчи суюқлик олатдан чиқишини билдиради.
- Сперма бир қанча уруғлардан иборат бўлади. Уруғ нималиги эсингдами? (*Болангиз буни эслай олишини текширинг.*) эркак бир марта эякуляция қилганда қанча уруғ чиқаради, деб ўйлайсан? (*Болангиз биронта сонни тахмин қила олишини кузатинг.*) Эркак бир мартада 180 миллионтacha уруғ чиқаради ва баъзан озгина кўпроқ, баъзан 400 миллионта уруғ чиқара олади. Бу уруғлар тухумга етишиш учун аёлнинг танаси бўйлаб сузиб боришни бошлайди.
- Баъзан, эркак ва аёл жинсий алоқа қилишади ва аёлнинг танаси ўша пайтда туғум чиқармайди. Бу уруғлар бир неча кун давомида сузиб юриб ва охир-оқибатда ҳалок бўлишини англаатади.
- Лекин, агар аёл тухум чиқарса, бу унинг хомиладор бўлиши мумкинлигини билдиради.
- Уруғлар бачадон бўйни орқали бачадонга боради ва кейин бачадон найчаси орқали юқорига ўтади.

- Тухумдонга яқинроқ жойда, бачадон найчасининг тешиги олдида тухум уруғланиш учун турган бўлиши мумкин.

ЭРКАК АНАТОМИЯСИ



АЁЛ АНАТОМИЯСИ



- Жуда кўп уруғлар йўлда халок бўлади. Фақатгина кичик бир қисми бачадонга етиб боради. Улардан кичик бир қисмигина бачадон найчаларига етиб боради, улардан яна кичик бир қисмигина тухумгача етиб боради. Худо шундай қилиб яратганки, етарлича кучли ва етарлича соғлом уруғларгина тухумгача етиб боради.
- Фақатгина битта уруғ тухумни уруғлантиради. Битта уруғ тухумни ичига киргандан кейин қолган бошқа уруғлар ичкарига киролмайди.
- Уруғ ва тухум битта тирик ҳужайра вужудга келтириш учун ўз материаларини бирлаштиради. Ўша кичик ҳужайра шу даражада кичикки, сен уни шу кўзларининг билан кўролмайсан, лекин бу инсоннинг бошланишидир. Демак, сен ҳам ўша кичик ҳужайрадан бошланганмисан? (*Ҳа.*) Мен ҳам ўша кичик ҳужайрадан бошланганманми? (*Ҳа.*)
- Шундай қилиб, хулоса қиладиган бўлсак: Жинсий алоқа қилиш турмуш қурган эркаклар ва аёлларнинг бир-бирларига севги кўрсатиш йўлларидан биридир. Эркак олатидан аёлнинг танасига сперма (уруғ) чиқаради. Ўша уруғлардан биттасигина тухумни уруғлаши мумкин ва шу орқали янги ҳаёт вужудга келади! Худо бизнинг танамизни ажойиб қилиб яратган, шундай эмасми?


СПЕРМА (УРУҒ) ВА ТУХУМ



Болангиз учун саволлар:

1. Эркакнинг мояклари ичида сузуви хужайраларнинг нима деб аталиши эсингдами? (*Сперма ёки уруг*)
2. Аёл тухумдонлари ичидаги маҳсус хужайраларнинг номи нима? (*Тухумлар*)
3. Улар бир-бирига қўшилганда нима содир бўлади? (*Янги инсон вужудга келади*)
4. Уруғ тухумни уруғлаш учун аёл танасининг ичига қандай киради? (эркак ва аёл жиснисий алоқа қилишади. Бу шуни англатадики, эркак ўз олатини аёлнинг қинига киргизади ва у ўз урганини аёлнинг ичига чиқаради.)
5. Нима учун Худо одамлар болаларни дунёга келтиришларини хоҳлайди? (*Шу тариқа биз сон жиҳатдан қўпаямиз ва бутун ер бўйлаб марқаламиз.*)

Ибодат: Худованд, эркак ва аёл бошқа янги инсонни вужудга келтириш учун бирлашиб тарзи учун раҳмат айтаман. Сен ҳар бир одамга – бою камбағалга, хўжайину хизматкорга – ўз оналарининг қорнида шакл бергансан (Аюб 31:15). Фарзандлар Сендан мукофотдир (Забур 126:3). Биз бошқалар билан гаплашганда Сен уларни Ўз суратингда яратганингни унутмаслигимизга ёрдам бергин. Омин.



the talk

З ДАРС: АЖОЙИБ ҚИЛИБ ЯРАТИЛГАН

Очиб берувчи фикр:

Ү

тган сафар нима ҳақида гаплашганимиз эсингдами? Болалар қандай вужудга келади?

(*Болангиз қанчалик эслаб қолганини текширинг. Болангизнинг эсига келтириши учун анатомия диаграммаларини кўрсатишингиз ва баъзи асосий суҳбат мавзуларини қайта кўриб чиқшишингиз мумкин.*)

Бола бошида биринчи марта пайдо бўлганда, сен уни кўзларингиз билан кўролмайсан, чунки у жуда кишик бўлади. Лекин, вақт ўтиши билан бола ўсиб боради. Бугун биз мана шу ҳақида гаплашамиз.

Каломдан ўқиши: Забур 138:13-18

Изоҳ: Ушбу Санода муаллиф ўз онаси қорнида ҳомила бўлган кун учун Худони олқишлияпти. Ҳатто ҳеч ким қўролмайдиган даражада кичик бўлган пайтда ҳам Худо уни кўра олган.

У ҳатто ҳали хужайралар боғлами бўлган пайтда, Худо унда қандайдир қуюқ томчини кўрмайди; У унда шахсни кўради.

Ҳатто онаси қорнидаги ҳаётининг биринчи кунида, Худо келажакка қараб, унинг ҳаётининг ҳар бир кунини кўра олган.

Муаллиф Худо унга алоҳида эътибор бериб, онаси қорнида уни бирлаштиргани ҳақида ўйлаганда, у ҳайратда қолади.


Бугун биз бола онасининг қорнида ўсиши жараёнида у қандай кўринишда бўлишини биламиз. Бу ҳақда қанча кўп билсақ, туғилишимиздан олдин Худо бизни қандай қилиб “тўқиган”идан шунча кўп ҳайратланамиз.

Сұхбат мавзулари:


Болангизга Боланинг ривожланиш жараёни диаграммасини кўрсатишингиз ва лозим деб топсангиз, берилган сұхбат мавзуларидан фойдаланишингиз мумкин.

- Айтайлик, эркак ва аёл тухумдан тухум чиқаргандан озгина вакт ўтиб жинсий алоқа қилишди. Тухум бачадон найчасининг охирида туради.
- Битта уруғ ниҳоят уруғнинг ҳимоя қобигини ёриб ўтса, у тухумга киради. Бу уруғланиш деб номланади.
- Кейин, уруғдаги материал тухумдаги материал билан қўшилади ва болани вужудга келтириш учун бирлашишади.
- Бу битта хужайрадан иборат зиготани шакллантиради. Зигота биттагина хужайра, лекин унинг ичидаги тўлиқ ўсган инсонни етиштириш учун керак бўладиган барча маълумотлар бор.

БОЛАНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНИ



- Кейин хужайра бўлиниш жараёнини бошлайди, яъни биринчи хужайра иккита хужайрага бўлинади. Кейин иккита хужайра тўрттага бўлинади. Кейин ўша тўртта хужайра саккизтага бўлинади.
- Бола 16 та хужайрага бўлинганда, у кўринишидан тутга ўхшаган бўлади. Лотин тилида тут “морус” деб аталади ва шунинг учун, бу пайтда болани морула деб аташади. Зигота морула бўлиши учун бир неча кунгина талаб этилади.
- Беш кунча ўтгандан кейин, бола бластоцистга айланади. Унда ички ҳамда ташқи хужайралар гурухи бўлади. Ички гурух боланинг танаси бўлади (*ёки ҳомила* - эмбрион). Ташқи хужайралар гурухи йўлдош деб аталадиган нарсага айланади. Йўлдош шундай нарсаки, бола ривожланаётганда уни озуқавий моддалар билан таъминлайди.
- Ва ниҳоят бола бачадонга жойлашади. Бу жойда у тўққиз ойгача ривожланади.



- Бир ойлик ҳомиланинг катталиги кўкнори уруғичалик бўлади. Кўкнори уруғининг катталиги қанча? (Болангиз унинг катталигини тахмин қилиб кўрсин. Бармоқларингиз билан 2 мм.ни кўрсатинг ёки агар сизда кўкнор уруғи бўлса, биттасини олиб болангизга кўрсатинг.) У ҳатто шунчалик

кичик бўлсада, унда аллақачон найча бўлади ва у кейинроқ боланинг умуртқаси ва миясини шакллантиради.

- Бола киндик ичакчаси деб номланган нарса орқали озиқланади. У боланинг овқат ҳазм қилиш тизимиға боради, у йўлдошга уланган бўлади.
- Икки ойча вақт ўтгандан кейин боланинг катталиги дўланадек бўлади. Дўлананинг катталиги қанча? (*Болангиз бармоқлари билан сизга кўрсатсин ва зарурат тугилганда уларни тузатинг.*) Ҳатто шундай катталикда ҳам, унда мия, юрак, қон, қўллар, оёқлар, кўзлар, қулоқлар, бурун, юзлар ва иякнинг бошланиши бўлади.
- Тўртинчи ойнинг охирларида, болада суяклар, бармоқ тирноқлари, бармоқ излари, товуш пайчалари ва эшитиш қобилияти ривожланади. У ҳатто ўз бармоғини сўраётган бўлиши ҳам мумкин. Бу босқичда бола пиёз катталигида бўлади.
- Еттинчи ойнинг охирида, бола бодринг каби узун бўлади, ютинаидиган, ҳиқичноқ бўладиган, эснайдиган, ухлайдиган, оёғи билан тепадиган қўли билан урадиган бўлади.
- Бола тўққиз ойлигига тўлиқ ривожланган бўлади.

Болангиз учун саволлар:

1. Бола она танасининг қайси қисмида жойлашиши эсингдами? (*Бачадон*)
2. Бола онасининг қорнида тўлиқ қанча вақт яшайди? (*Тўққиз ой*)
3. Бола ривожланаётганда барча озуқани қандай қабул қиласи (Йўлдош ва киндик ичакчаси орқали)
4. Бола онасининг қорнидан қандай чиқади? (*Аёлнинг қини орқали*)

Ибодат: Худойим, инсон танаси она қорнида қандай шаклланиши ҳақида биз билмаган шунча қўп нарсалар бор (Воиз 11:5). Бизни бирлаштирадиган Сенсан. Биз борлигимизни ҳали бирон киши билишидан олдин биз ҳақимизда минглаб марта ўйлаган Ўзингсан. Сен барча одамларнинг юракларини яратгансан (Забур 32:15). Биз Сенинг санъат асарларинг эканлигимизни унутмасликка ёрдам бер. Омин.



4 ДАРС: ИККАЛАСИ БИР ТАН БЎЛАДИЛАР

Очиб берувчи фикр:

Ү

тган сафар биз болалар оналарининг қорнида қандай ривожланиши ҳақида сұхбатлашған әдик, лекин улар қандай пайдо бўлишлари эсингдами? Болалар қандай пайдо бўладилар? (Эркакдан чиққан уруғ аёл ичидаги тұхумни уруғлайды.)

Биз олдин жинсий алоқа ҳақида гаплашған әдик. Бу эркак ва аёл биргалиқда яланғоч ҳолда бўлади ва эркак ўз олатини аёлнинг қинига киргизади. Эркаклар ва аёллар бу билан фақатгина фарзанд кўриш учун шуғулланишмайди. Муқаддас Китобда жинсий алоқа ҳақида анча кўпроқ нарсалар айтилган.

Каломдан ўқиш: Ибтидо 2:18-25

Изоҳ: Худо биринчи одамни, яъни Одам Атони яратди, кейин эса, У Одам ёлғиз бўлиши яхши эмас, деб айтди. У Одам Атонинг оиласи бўлишини истади, кейин эса У Одам Атонинг оиласи тобора ўсиб бориб, бутун дуёни тўлдиришини хоҳлади. Бу учун биринчи қадам унга хотин қилиб аёл кишини яратиш эди.

Худо Одам Атони қаттиқ ухлатиб қўяди ва ундан қовурғаси ва этининг бир қисмини олиб ярасини тери билан қоплайди. Ўша қовурға ва этдан Худо барча мавжудотлардан энг чиройлиси, яъни аёлни яратади.

Одам Ато уйғонганда уни қўради, у қувонганидан шеър айтиб юборади. У ўша заҳоти ўзининг шериги бўладиган шахс мана шу аёл бўлишини билди. Бу гўзал мавжудот ўз танасидан олингани учун, ўзига роса муносиб эканлигини билди.

Нега Худо Момо Ҳавони яратиш учун Одам Атонинг бир қисмини олади? (Болангиз қандай жавоб бериишини кузатинг.) У Момо Ҳавони Ўзи хоҳлаган ҳар

қандай усулда ҳам яратиши мумкин эди, лекин У Одам Атога ниманидир ўргатаётган эди. Сенингча, Худо Момо Ҳавони шундай тарзда яратиб, Одам Атога нимани ўргатаётган эди? (*Болангиз нима дейишиига эътибор беринг.*) Худо улар яқин, муҳаббатга тўла муносабатда бўлишларини ва бир-бирларига тегишли эканликларини унутмасликларини хоҳлади. Худо бу икки инсон ўзига хос тарзда бир-бирига боғланишларини хоҳлади. Одам Ато ва Момо Ҳаво биринчи турмуш курган жуфтлик эдилар.

Турмуш қуриш ва жинсий алоқа қилиш мана шуларни билдиради. Бугун, эркак ва аёл жинсий алоқа қилишганда, Муқаддас Китобда айтиладики, улар “бир тан” бўладилар. Бу улар ўзига хос тарзда – таналари, онглари ва юракларида бирлашганликларини билдиради. Худо жинсий алоқани жуда лаззатли ва завқли қилиб яратди. Жинсий алоқа фақатгина болани вужудга келтиришни билдирмайди – одамлар қўп маротаба жинсий алоқа қилишади ва болани вужудга келтиришмайди. Жинсий алоқа шундай нарсаки, унда сиз кимгадир боғланиб қоласиз.

Жинсий алоқа шундай кучли нарсаки, у эркак ва аёл ўртасида маҳсус бир ришта яратади. Мана шу сабабдан, сен фақатгина турмуш қурган одаминг билан жинсий алоқа қилишинг керак бўлади. Худо айтадики, агар сен бирор киши билан жинсий алоқа қилишдан лаззатланмоқчи бўлсанг, сен у билан ўла-ўлгунингизча бирга қолишга содик бўлишинг керак. Мана шуни биз никоҳ деб атаемиз.

Худди шу сабаб туфайли, агар шахс ҳали никоҳланмаган бўлса, улар жинсий алоқа қилмасликлари керак. Худо жинсий алоқани эр ва хотин ўртасидаги маҳсус бир ришта қилиб яратган. Албатта, одамлар гуноҳ қилганда Худо уларни кечириши мумкин, лекин У ўзимизнинг фойдамиз учун фақатгина никоҳдан ўтгандан кейин жинсий алоқа қилишимизни хоҳлайди. Бизни ташлаб кетадиганлар билан шундай маҳсус риштани шакллантиришни хоҳламаймиз. Худо биз қолган ҳаётимизни ўша инсон билан ўтказишга қарор қилмагунимизча, бирор билан бундай яқин бўлишимизни хоҳламайди.

Болангиз учун саволлар:

1. Бир кун келиб сен ҳам турмуш қурасанми? (*Болангиз нима деб жавоб бериишини кузатинг. Улар турмуши қураман ёки ёлгиз ўтаман деса, ҳар иккала ҳолда ҳам бу яхши хоҳши эканлигини тасдиқланг.*)
2. Агар кимдир ўзининг турмуш ўртоғи бўлмаган бошқа бирор билан жинсий алоқа қилган бўлса, ва ўша инсон уни бутунлай тарқ этса, у ўзини қандай ҳис қиласди? (*Сен ўзингни жуда ёлгиз ва тушикун ҳис қиласан. Жинсий алоқа сени*

кимгадир боғлаб құяды ва агар ўша инсон сен билан бир умр қолишига ўзини бағишиламаса, сен у кетгандан кейин ўзингни жуда түшкүн ҳис қиласан.)

3. Икки инсон ўртасидаги бундай махсус риштани тасвирлаш учун Муқаддас Китобда қайси сўзлар ишлатилган? (*Бир тан*)
4. Инсон турмуш қурмаган инсони билан жинсий алоқа қилиши керакми?
(Йўқ. Бу Худонинг қонунига зид ва буни қилганларга зарар келтиради.)

Ибодат: Худойим, никоҳни яратганинг учун Сенга раҳмат. Бир кун келиб (болангизнинг исми) турмуш қурганда, Сен уларнинг никоҳларини сақлашинг ва ҳимоя қилишинг учун ибодат қиласман, токи улар умрларининг охиригача ўз никоҳларида қолсинлар (Матто 19:6). [Болангизнинг исми] га турмуш қуриш ёки қурмасликни ва қачон турмуш қуришни танлашга донолик бергин ҳамда никоҳда унга қувонч бағишла. Омин.



5 ДАРС: ЗИНО ҚИЛМАНГ

Очиб берувчи фикр:

K

имдир сендан бирор марта бирон нимантни ўғирлаганми? Нима деб ўйлайсан, кимдир сенга тегишли ниманидир олиб кўйса, ўзингни қандай ҳис қиласан? (*Болангиз ўзини қандай ҳис қилишини тасаввур қилиб кўрсин.*) Лекин, кимдир сен турмуш қурган инсонни ўғирласа-чи? Ўзингни қандай ҳис қилган бўлар эдинг? (*Бу бундан ҳам оғирроқ азоб бўлади.*)

Бугун биз жинсий алоқа ва “зино” деб аталадиган гуноҳ ҳакида суҳбатлашамиз.

Каломдан ўқиш: Чиқиш 20:1-2, 12-17

Изоҳ: Ушбу парчада Худо Ўз халқига ўнта амр беради. Бу Исройл халқи риоя қилиб яшashi керак бўлган махсус қонунлардир. У уларга бошқа одамлар билан қандай муносабатда бўлишлари кераклиги ҳакида айтади. Болалар ўз отаоналарини ҳурмат қилишлари ва уларга бўйсунишлари керак. Одамлар ҳеч қачон бир-бирларини ўлдирмасликлари (қотиллик қилмасликлари) керак. Улар ҳеч қачон бир-бирларидан ўғирламасликлари керак. Улар ҳеч қачон бошқа одам ҳакида ёлғон гапирмасликлари керак. Улар ҳеч қачон бошқа одамга тегишли бирор бир нарсани олишни хоҳламасликлари керак. Худо бу амрлар ичida жинсий алоқа ҳакида ҳам гапиради.

Эркаклар ва аёллар Худо томонидан шундай яратилганларки, улар бир-бирларига мафтун бўладилар ва кўп одамлар улғайиб, бирор киши билан турмуш қурадилар. Бир кун келиб, Худо хоҳласа, сен унга хизмат қилишни ва умрингнинг охиригача уни севиши хоҳлайдиган, сенга умр йўлдош бўладиган кимнидир учратасан.

Лекин, агар бир куни сенинг турмуш ўртоғинг худди бошқа бировга ҳам турмушга чиққандек ўзини тутишга қарор қиласа, нима содир бўлади? У бошқа одам билан учрашувларга чиқишни бошласа-чи? У шахс билан кўп вақт ўтказса-

чи? Ўша одамни қучоқлаб, ўпсачи? Ҳатто ўша шахс билан жинсий алоқа қилсанчи? Бу жуда ёмон ҳолат бўлади, чунки турмуш битта эркак ва битта аёл ўртасида бўлиши керак. Турмуш қурган одамлар ўзларининг турмуш ўртоқлари бўлмаган одам билан жинсий алоқа қилишса ёки бирор бир шахс бошқа бирорвга турмушга чиққан кимдир билан жинсий алоқа қилса, бу зино деб аталади. Биз нафақат зинодан йироқ бўлишимиз, шу билан бирга, юракларимиздан бундай хошишни олиб ташлашимиз керак

Бошқа бирор билан турмуш қурган одам билан жинсий алоқа қилиш жинсий алоқани нотўғри ишлатаётгани учунгина эмас, шу билан бирга, бу бирордан ўғирлаш бўлганлиги учун ҳам гуноҳдир.

Болангиз учун саволлар:

1. Дунёдаги кўп одамлар Худонинг амрларига итоат этишмайди, лекин дунёдаги ҳар бир киши уларга итоат этишга ҳаракат қилишни тўхтатса нима бўлади? Дунё қандай ҳолатга келиб қолади? (*У яшаш учун даҳшатли жойга айланади. У ўғирлик, қотиллик ва тартибсизлик жойига айланади.*)
2. Зино нима? (*Зино – бу турмуши қурган одам ўзининг турмуши ўртоғи бўлмаган бошқа одам билан жинсий алоқа қилишиидир.*)
3. Нима деб ўйлайсан, одамлар нима учун зино қилишади? (*Улар ўзларининг турмуши ўртоқлари бўлмаган бошқа одамга мафтун бўлишлари ва уларга яқинроқ бўлишини хоҳлашлари туфайли зино қилишади. Улар ўзлари нима хоҳлашлари ҳақида кўпроқ ва нима тўғри эканлиги ҳақида камроқ ўйлашади.*)

Ибодат: Худойим, никоҳни яратганинг учун Сенга раҳмат. Зино қиласиган одам ақлсиз эканлигини биламиз (Ҳикматлар 6:32). [Болангизнинг исми] га донолик бергин, токи ўз юрагини қандай сақлашни билсин. Барчамиз никоҳни Сен каби эъзозлашимизга ёрдам бергин (Ибронийларга 13:4). Омин.



6 ДАРС: МЕНИ ЗЎРЛАМАНГ

Очиб берувчи фикр:

Mуқаддас Китобда икки инсон бир-бири билан жинсий алоқа қилганда улар ўртасида пайдо бўладиган маҳсус ришта нима деб аталишини эслайсанми? (*Bir tan*)

Турмуш қурган бирор киши турмуш ўртоғи бўлмаган бошқа бирор киши билан жинсий алоқа қилиши нима деб аталади? (*Zino*)

Олдинроқ айтиб ўтганимдай, жинсий алоқа жуда қудратли нарса. У сизни бирор га яқинлаштиради. Баъзан одамлар жинсий алоқа қилишни шу даражада хоҳлашадики, бу уларни ростдан ҳам қабиҳ нарсаларни қилишга олиб келади. Кейинги ҳикоя айнан шу ҳақда.

Каломдан ўқиш: 2 Шоҳлар 13:1-2, 6-14

Изоҳ: Омнўн шоҳ Довуднинг ўғилларидан бири эди ва у ўзининг қариндоши Тамарани севиб қолади.

Омнўн уни жуда чиройли деб ўйлади ва у билан жинсий алоқа қилишни хоҳлайди. Уни бундай хоҳиш қамраб олади.

Шундай қилиб, Омнўн унга яқиласа олиш учун режа тузади. У ўзини касалга солиб, отасидан унга қарашиб учун Тамарани юборишини сўрайди. Улар бирга ёлғиз қолишганда, у Тамарага у билан жинсий алоқада бўлишни хоҳлашини айтади. Тамара ҳайратланиб, унга “Йўқ, ака, мени зўрламанг! — дейди. — Истроилда бунақа қилишмайди—ку! Бундай қабиҳ ишни қилманг!” Лекин, у бунга эътибор бермайди. У Тамара билан бўлишни шундай қаттиқ хоҳлардики, охири

уни зўрлайди. Зўрлаш кимдир бошқа бировни, у хоҳламаса ҳам жинсий алоқа қилишга мажбурлашидир.

Тамара ўз қариндоши уни алданганида, жинсий алоқа қилишга мажбур қилганида ўзини қандай ҳис қилганини тасаввур қила оласанми? Бу жуда аянчли ҳолат. Афсуски, бутун дунё бўйлаб юз минглаб аёллар ва ҳатто эркаклар ҳар йили жинсий зўрланадилар.

Мен буни сенга айтишим жуда ҳам муҳим, чунки агар кимдир сени жинсий алоқа қилишга мажбурлашга уринса ёки агар кимдир сенинг уятли жойларинга рухсатингиз тегса, сен иложи борича тезроқ бу ҳақда менга хабар беришинг керак. Ким бўлишидан қатъий назар, буни сенга нисбатан қилишга уринса, менга айтишинг керак – у сен севган, худди оила аъзосидек бўлиб қолган одам бўлса ҳам. Кимдир сенга шаҳвоний тарзда тегинса ёки сени жинсий алоқа қилишга ундаса, бу тўғри эмас. Сен ҳар доим уларга “Йўқ” дейишишинг, бу тарзда тегинишларини ёмон кўришингни айтишинг керак. Шунга ўхшаш нимадир содир бўлганда, бу ҳақда дарҳол менга хабар беришинг керак, шунда биз бунинг яна содир бўлишини тўхтата оламиз. Агар ҳатто у шахс сенга, “агар айтсанг сенга ёки сен севган бирор кишига зиён етказаман”, деб таҳдид қиласа ҳам, сен менга бу ҳақда айтишинг керак. Бу сир сақланадиган нарса эмас.

Болангиз учун саволллар:

1. Омнўн билан бундай нарса содир бўлгандан кейин Тамара ўзини қандай ҳис қилган? (*У хароб бўлди. Ҳикоянинг давомида айтиладики, у шу даражада уятда қолган эдики, у бошқа ҳеч қачон бирон кишига турмушига чиқмайди.*)
2. Бирор киши сенга бирор марта шаҳвоний тарзда тегинганми? (*Болангиз нима дейишишга дикқат билан қулоқ солинг.*)

Ибодат: Худойим, одамлар жинсий алоқадан нотўғри фойдаланишганда Сен бундан нафратланасан, айниқса, улар бошқаларни буни қилишга мажбур этишганда. Ҳозирнинг ўзида, дунёда минглаб одамлар бундай даҳшатли жиноятни бошдан кечираётганларини биламиз. Биз Сендан заиф ва мазлумларгаadolatiningни кўрсатишишингни сўраймиз (Забур 81:3). Жамоатга адолатни излашга ёрдам бергин ва бошқалар томонидан зўравонликка учраганларга далда бергин (Ишаё 1:17). Омин.



7 ДАРС: ҚИММАТ БАХО ТҮЛОВ БИЛАН СОТИБ ОЛИНГАН

Очиб берувчи фикр:

O

дамлар қандай нарса учун жуда күп пул түлашга тайёр бўлишади?

(Болангиз қандай фикрлар билдиришига эътибор беринг. Автомобиллар. Уйлар. Яхталар.)

Сен автомобильга ўхшаш бирон бир нарса учун жуда күп пул түласанг ва уни бирон кишига совға сифатида берсанг, кейин у одам машинани эҳтиётсизлик билан, деворларга урилиб ҳайдаса, ўзинги қандай ҳис қилган бўлардинг? (Сен берган жуда қимматбаҳо совғанги у нотўғри ишлатаетганидан, эҳтимол, хафа бўлган бўлар эдине.)

Бугун мен сен билан Худо жуда катта тўлов тўлаб сотиб олган бир нарса ҳақида гаплашмоқчиман: бу нарса сенинг танангдир.

Каломдан ўқиш: 1 Коринфликларга 6:18-20

Изоҳ: Бизнинг танамиз Худо томонидан берилган ажойиб совғадир. Худо танамизга боғлиқ бўлган жуда күп лаззатларни берган. У бизга овқатнинг мазасидан лаззатланишимиз учун тил, ҳар хил ифорлардан завқланишимиз учун бурун, чиройли нарсаларга қарай олишимиз учун қўзлар берган. Биз, шу билан бирга, севган инсонларимизга яқинроқ бўлиш учун ўз таналаримиздан уларга тегиш, қучоқлаш ва ўпиш учун фойдаланишимиз ҳам мумкин.

Жинсий алоқа ҳам турмуш курган жуфтликлар лаззатланишлари учун қилинадиган ишдир. У уларни бир-бирларига яқинлаштиради. Бошқа нарсалардан фарқли равишда, жинсий алоқа икки инсонни маҳсус тарзда бир-бирига боғлаб, бирлаштиради.

Шунинг учун ҳам, жинсий гуноҳ бошқа ҳар қандай турдаги гуноҳдан фарқланади. Агар биз кимдир билан жинсий алоқа қилсак, бундан кейин биз ўзимизни ўша одамга қаттиқ боғланиб қолгандек ҳис қиласиз, лекин агар улар биз билан турмуш курмаган бўлишса ва кейин бизни ташлаб кетишса, таналаримиз ўзини ниманидир йўқотиб қўйгандек ҳис қиласи.

Биз ҳеч қачон таналаримиз фақатгина ўйин-кулгу ёки завқли нарсалар учун деб ўйламаслигимиз керак. Таналаримиз Худога тегишли. Агар сен Масихий бўлсанг, Худонинг Муқаддас Рухи ичингда яшайди. Сенинг тананг Муқаддас Рухнинг маъбадидир. Худди эски Аҳдда Худо тош ва ёғочдан ясалган маъбадда Ўзининг хузурини намоён этганига ўхшаб, ҳозир ҳам У Ўзининг халқи ичида яшамоқда.

Масихийлар сифатида, бизнинг таналаримиз Худога тегишилдир, чунки Худо бизни сотиб олди. У тўлаган тўлов Ўглининг ўлими эди, бу У тўлай олиши мумкин бўлган энг катта тўловдир. Исо хочда гуноҳларимиз учун ўлганда, фақат ўлганимиздан кейин жаннатга боришимиз учун эмас, таналаримиз учун ҳам тўлов тўлади. Бир кун келиб, Исо қайтиб келганда, бизнинг таналаримиз тирилади ва Унинг улуғвор танасига ўхшаган қўринишда бўлади.

Фақат Худо таналаримизни қандай ишлатишимиз кераклигини айта олади. У Ўз Каломида таналаримизга нисбатан қандай муносабатда бўлишимиз кераклигини бизга айтди. У бизни қимматбаҳо тўлов билан сотиб олди.

Болаларингиз учун саволлар:

1. Исонинг тирилган танасига ўхшаш улуғвор танага эга бўлиш қандай бўлади?
(*Болаларингиз бу ҳақда қандай ўйлашига эътибор беринг. Исо ўликдан тирилганда шогирдолар нима кўргани ҳақидаги ҳикояларни ва Исонинг танаси қай йўсинда ўзгача эканлигини уларга эслатинг. Агар вақтингиз бўлса, 1 Коринфликларга 15:3-8 ва 42-44ни ўқинг.)*
2. Агар Худо таналаримизнинг эгаси бўлса, уларга қандай муносабатда бўлишимиз керак? (*Улар ҳақида ғамхўрлик қилишишимиз керак.*)
3. Худонинг жинсий алоқага доир қоидаларига риоя қилиш нима учун муҳим?
(*Биринчидан, Худо таналаримизнинг яратувчисидир. Иккинчидан, У бизни Ўзи учун Масихнинг ўлими орқали сотиб олди. Учинчидан, жинсий гуноҳ бошқа ҳеч қайси гуноҳга ўхшамаган тарзда бизга зиён етказади. У бизни бошқа шахс билан боғлайди. Агар биз ўша шахс билан турмуш курмаган бўлсагу, кейин улар бизни тарк этса, бу ўзимизни жуда ёлғиз ҳис қилишишимизга сабаб бўлади.*)

Ибодат: Худойим, Сен бизни қимматбаҳо тўлов билан сотиб олгансан. Сен гуноҳларимиз учун хочда тўлиқ тўлов тўлагансан. Таналаримизга ҳурмат билан муносабатда бўлишимизга ёрдам бер, чунки улар бизга тегишли эмас. Биз ишонамизки, бир кун келиб бизнинг таналаримиз ўлмас, улуғвор ва кудратли бўлади (1 Коринфликларга 15:42-43). Улгайганимиз сари, кўзларимиз, қўлларимиз ва онгларимизни пок тарзда ишлатишимиизга ёрдам бер. Омин.



БУНДАН КЕЙИНЧИ?

Y

шбу дарслар фақатгина бошланишдир. Ҳозир болангиз жинсий алоқа ва жинсийлик бўйича Худо нуқтаи назаридаги асосий тушунчага эга бўлганда, унга бу дарсларни эслатиб туришингиз ва улар асосида “уй” қуришингиз жуда муҳим.

Муқаддас Китоб сиз учун музни синдиришига имкон беринг

Болангизга бу дарслар ҳақида вақти-вақти билан эслатиб туриш бу тушунчалар унинг онгида мустаҳкам ўрнашишига ёрдам беради. Буни амалга оширишнинг энг яхши йўлларидан бири – бу Муқаддас Китобдаги ноқулай жойларни қолдириб кетмай, шунчаки, ўқишидир. Муқаддас Китобда жинсий алоқа, никоҳ ва яқинлик мавзуларига доир ҳикоялар жуда кўп. Уларни ўқиётганда, шунчаки, қандай ёзилган бўлса, шундай етказинг.

Мисол учун, Иброҳим ва Ҳожар Исмоилни вужудга келтирганда (Ибтидо 16 боб), болангиздан у жинсий алоқа нима эканлиги ва зино нима учун нотўғри эканлигини эслалиши ёки эсламаслигини сўранг.

Ёкуб ва эсов вужудга келганда (Ибтидо 25 боб) сиз болангизга қандай қилиб уруғ ва тухум бирлашиб болани вужудга келтиришини эслатишингиз мумкин (ва ҳатто уларга бир вақтнинг ўзида қандай қилиб биттадан қўпроқ тухум уруғланиб, aka-ука эгизакларни вужудга келтириши мумкинлиги ҳақида ҳам ўргатишингиз мумкин).

Юсуф Пўтифарнинг хотинидан қочганда (Ибтидо 39 боб), жинсий васвасалардан қочишнинг муҳимлигига урғу беришингиз мумкин.

Сулаймоннинг 700 та хотини ва 300 та канизаклари ҳақида ўқиганингизда (З Шоҳлар 11 боб), болангизга севги ёки жинсий алоқа юрагимизни Худога итоаткорлиқдан йироқлаштиришига йўл қўймасликнинг муҳимлиги ҳақида эслатишингиз мумкин.

Аслида, Муқаддас Китобнинг ҳар бир китобида жинсий мавзуларга ишора қилинган ёки улар ҳақида аниқ гапирилган. Муқаддас Китоб жинсий алоқани ҳикояга киритса, сиз жинсий алоқани суҳбатларингизга киритинг.

Насиҳат бериладиган фурсатларни топиш

Болангизга жинсий қадриятлар ҳақида эслатишини ҳар кунги ҳаётий фурсатларда ҳам амалга ошириш мумкин.

- Болангиз ҳар доим ўз танаси ҳақида ниманидир ўрганиб боради. Бу ўрганишлардан суҳбат учун имкониятлар сифатида фойдаланинг.
- Агар телевизорда, кўрсатув бўладими ёки янгиликларми, жинсий мавзуларга тегишли нимадир кўрсатилса, ўз изоҳингизни қўшганингизга ишонч ҳосил қилинг. Агар жинсий ахлоқсизлик ижобий бўёқда тасвирланса, болангиздан “улар буни намойиш этишларида қандай нотўғриликни сезяпсан?” деб сўрашни унутманг.
- Никоҳ тўйлари ва ҳомиладорликлар ҳам болангизга жинсий алоқа ва никоҳнинг яхши эканлиги ҳақида эслатишига яхши имкониятлардир. Ҳомиладор аёлни кўрганингизда, болангиздан “чақалоқлар қандай вужудга келиши эсингдами?” ёки “Сенингча, ана у аёлнинг қорнидаги боласи ҳозир қанчалик катта?” деб сўрашингиз мумкин.
- Болангиз ўз дўстларидан жинсий алоқа ҳақида нотўғри маълумот олган бўлса, қўрқманг. Агар болангиз “Биринчи марта жинсий алоқа қилганда, ҳомиладор бўлиш мумкин эмас, деб эшийтдим” каби сўзларни айтса, шунчаки, уларни тузатиб жавоб беринг. Бу насиҳат бериладиган яна бир ажойиб фурсатdir.
- Ҳайвонларнинг ўзини тутиши ҳам болаларинингизга жинсийлик ҳақида эслатиш учун яна бир имконият яратиб беради. Агар болангиз мактабда ҳайвонларнинг қовушиш одатлари ҳақида ўрганаётган бўлса, ёки агар

болангиз ҳайвонот боғида ҳайвонларнинг қовушаётганини кўрса, ёки уй ҳайвонларингизни “шу билан шуғулланаётган ҳолатда кўриб қолсангиз”, бу имкониятлардан болангизга ўрганганларини эслатиш учун фойдаланинг.

Интернет жавобгарлиги жуда муҳим

Кўпгина масиҳий ота-оналар Интернетни Филтерлаш ҳақида билишади. Бу болаларингизни порнография ва бошқа жинсий онлайн ахборотдан ҳимоя қилишни бошлаш учун муҳим жой.

Болалар улғайгани сари, уларни нафақат заарли ёки вассасага солувчи онлайн расм ёки видеолардан сақлашимиз керак, шу билан бирга, улардан ўз кўзларини сақлашга тайёрлашимиз ҳам керак. Буни амалга оширишнинг Интернет Жавобгарлиги дастуридан фойдаланишдан кўра яхшироқ йўли йўқ. Болангиз онлайн кирган ҳар қандай жойларни қузатинг ва уйда интернетдан қандай қилиб яхши фойдаланиш ҳақида доимий сухбатлар олиб боринг. Бу унга қайси сайtlарга онлайн киргани ҳақида икки марта ўйлашларига ёрдам беради ва уни ўзи учун ўзи қўриқчи бўлишга тайёрлади.

Аҳдланган Кўзлар (Covenant eyes) да компьютерлар, телефонлар ва планшетлар учун Жавобгарлик ва Филтерлаш функциялари бор. THETALK промо кодидан фойдаланган ҳолда рўйхатдан ўтинг ва биринчи ой бу дастурдан бепул фойдаланинг.

9-11 ёшлардан кейинги давр

Ўн ёшдан ўн икки ёшгача бўлган болалар учун жинсийлик ҳақидаги бошқа дарслар жуда муҳим. Бу дарслар болаларнинг таналарида ва онгларида юз бераётган ўзгаришлар, мастурбация (айниқса, унинг шаҳвоний ҳирс ва оргазмга алоқаси), тунги бўшаниш (эҳтилом) лар, орал (оғиз орқали бўладиган) жинсий алоқа ва жинсий йўл билан юқадиган касалликлар ҳақидаги сухбатлардан иборат бўлиши ва булар билан чекланиб қолмаслиги керак. Каломий дарслар ўз юрагини қандай асраш (Ҳикматалар 4:23) ва кўзларини қандай сақлаш (Аюб 31:1), вассасадан қандай сақланиш (Ҳикматлар 7 боб)

ҳамда севиб қолсихнинг чиройи ва кудрати (Қўшиқлар 3:5) га доир мавзуларни ўз ичига олиши керак.

Ота-оналар балоғатга етаётган ўсмир фарзандларига улар бошдан кечираётган ўзгаришларни тушунишлари ва уларни йўналтиришга ёрдам беришлари керак. Бу пайтда, суҳбат мавзулари учун ҳеч нарса “чегарадан ташқарида” бўлмайди.

Ота-оналар жинсий алоқа ҳақидаги тўғри маълумотларнинг, хусусан, Худо жинсий уйғонишни яхши нарса сифатида яратгани (Ҳикматлар 5:19; Қўшиқлар 1:2), лекин шаҳвоний хирс қаттиқ қарши турилиши керак бўлган гуноҳ эканлиги (Матто 5:27-28) ҳақидаги шунга ўхшаш ҳақиқатларнинг манбаси бўлишда давом этишлари керак. Ота-оналар ўз фарзандаларига учрашувлар ва хушторлик қилишлар, орал жинсий алоқа ва “ташқариға чиқариш”нинг бошқа кўринишлари, ҳамда порнография ва оммавий ахборот воситаларидаги танловлар ҳақида йўл-йўриқлар беришлари ва чегаралар қўйишлари керак.

Унутмаслик керак бўлган ваъда

Ҳикматлар китоби, айниқса ёшлар учун ёзилган бўлиб, ўз ўқувчиларини шаҳвоний ҳавас ва осон жинсий алоқа ҳақида кўп марта огоҳлантиради. Лекин унинг ўқувчиларга улар жинсий гуноҳ тузоқларидан сақлана олишлари ҳақида ваъда берилади. Бу тузоқдан қандай сақаланамиз?

... отанг насиҳатларига қулоқ сол,
онанг ўгитларини рад этма,
уларни доим юрагингда сақла,
бўйнингга тақиб ол.

Юрганингда улар сенга йўл кўрсатади,
ухлаганингда қўриқлайди,
уйғоқлигингда сенга гапиради.

(Ҳикматлар 6:20-22)

Дадил бўлинг. Сизнинг сўзларингиз қудратга эга. Сизнинг буйруқларингиз ҳаёт бағишлийди. Сизнинг таълимотларингиз ўта муҳим. Йиллар ўтиб,

овозингиз акс-садолари васвасанинг ҳатто энг қоронғи бурчакларида ҳам фарзандларингизни ҳимоя қилади.



the talk

ИЗОХЛИ ЛУФАТ

Анал тешиги: одамнинг орқасидаги ахлат чиқариладиган тешик

Бачадон: Аёл танасидаги мушакли аъзо бўлиб, унда бола туғилишдан олдин ривожланади

Бачадон бўйни: Аёл бачадонининг ингичка очилиш йўли

Бачадон найчалари: Тухумларни тухумдонлардан бачадонга олиб борадиган бир найчалар жуфтлиги

Бир тан: Муқаддас Китобда жинсий алоқа қилиш орқали одамлар ўртасида юзага келадиган ўзига хос боғлиқликни тасвирлаш учун ишлатилган атама

Бластоциста: Суюқлик бўшлиғи атрофини қоплаган ҳужайраларнинг яқона қаватига эга бўлган эмбрион (ҳомила)

Бўлиниш: Ҳужайраларнинг янги ҳужайраларни вужудга келтириш учун бўлиниш ҳаракати

Эякуляция: Олатдан сперманинг чиқиши

Эмбрион (ҳомла): Она қорнидаги бола ҳаётининг илк босқичи

Эрекция: Эркак олатининг қаттиқ ва чўзилган ҳолати

Киндик ичакчаси: Туғилмаган болани йўлдош билан боғлаб турадиган узун, ингичга найча

Морула: Бластоцист бўлишдан олдин зиготанинг бўлиниши орқали вужудга келадиган ҳужайралар гурӯҳи

Мояклар: Эркакда сперма ва эркак гормонларини ишлаб чиқарадиган бир жуфт аъзолар

Мояк халтаси: Эркак моякларини қоплаган теридан иборат халта

Олат: Эркак танасининг олд қисмida жойлашган, жинсий алоқа қилиш ва сийдикни чиқариш учун ишлатиладиган аъзо

Овуляция: Етилган тухумнинг тухумдондан чиқиши

Кин: Бачадондан тананинг ташқарисига олиб борадиган йўлак

Қовуқ (сийдик пуфаги): Сийдик танадан чиқиб кетишидан олдин уни сақлаб турадиган тана аъзоси

Сийдик йўли: Сийдик пуфагидан тананинг ташқарисига қараб ҳаракатланадиган найча

Сперма: Олат орқали эякуляция қилинган (бўшанган) ва уруғлардан иборат бўлган ёпишқоқ, оқиш суюқлик

Тухум: Тухумдонларда ишлаб чиқариладиган ва уруғ билан бирлашиб, болани вужудга келтирадиган ҳужайра

Тухумдонлар: Аёлда тухумлар ва аёл гормонларини ишлаб чиқарадиган бир жуфт аъзолар

Тўғри ичак: Овқатни ҳазм қилишга ёрдам берадиган ва ахлатни чиқаришдан олдин сақлайдиган катта ичакнинг охирги қисми

Уруғ: Моякларда ишлаб чиқарилган ва тухум билан қўшилиб болани вужудга келтира оладиган ҳужайра

Уруғланиш: Зиготани вужудга келтириш учун уруғнинг тухум билан бирлашиш жараёни

Уруғ йўли (Vas deferens): Уруғни мояклардан олатга олиб борувчи канал

Худо сурати: Инсониятнинг Худо билан маҳсус алоқасини ва унинг Худо билан ўзига хос ўхшашлигини тасвирлаш учун Муқаддас Китобда ишлатилган атама

Йўлдош: Бола билан бирга шаклланадиган ва туғилмаган болани озуқа билан таъминлайдиган аъзо

Зигота: Уруғланган тухум; тухум ва уруғнинг қўшилиши орқали вужудга келган ягона ҳужайра

Зино: Турмуш қурган шахс ва унинг турмуш ўртоғи бўлмаган бошқа шахс ўртасидаги жинсий алоқа